

Мавзу: ЕР ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

РЕЖА:

- 1. Ер ҳуқуқи фанининг предмети ва үсуллари.**
- 2. Ер ҳуқуқи тамойиллари.**
- 3. Ер ҳуқуқи тизими**
- 4. Ер ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни**

Сиёсий хокимиятга эгалик қилган ижтимоий кучлар ер ва унинг бойликлариға нисбатан ўз хокимиятини ўрната олмасалар, улар қўлга киритган бу хокимият илдизсиз дараҳт мисолидир. Шу боисдан хам давлат ерни моддий бойликлар асоси сифатида эътироф этиб, ўз миллий қонунлари билан тасарруф қиласди. Ер ва унинг бойликлари миллий юрисдикция таъсирига олинганлиги ерга нисбатан ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишини талаб этади. Ер атрофида вужудга келган ва вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларнинг аксарият қисмини ер ҳуқуқи тартибга солади.

Ер ҳуқуқининг **учта** тавсифларда тушунчалари бор. **Биринчиси**, ер ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ тармоғидир. Ер ҳуқуқида хар бир ҳуқуқ тармоғи учун зарур бўлган белгилар мавжуддир, яъни а) у ўз маҳсус предметига эга; б) у ўз маҳсус ҳуқукий тартибга солиш услубига эга; в) давлат шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни алохида тартибга солиб туради; г) у алохида гурухланган ҳуқукий- норматив актлар мажмуасига эга. **Иккинчиси**, ер ҳуқуқи Ўзбекистон ҳуқуқ фанининг бир соҳасидир. Шу ўринда унга фанга тегишли бўлган барча хусусиятлар тегишли бўлади. Ушбу фандаги илмий-назарий тушунчалар, қарашлар, муаммолар ва уни ривожлантириш масалалари бу фаннинг моҳиятини ташқил этади. **Учинчиси**, ер ҳуқуқи маҳсус ўқув курсидир. Унинг ўқув курси сифатидаги хажми, мазмуни ва мақсадлари хар хил даражадаги ўқув муассасалари учун хар хил бўлиши мумкин.

Ер хуқуқи ер билан боғлиқ, лекин иқтисодий тавсифга эга бўлмаган, яъни фойдаланиш ва муҳофазага алоқадор бўлмаган муносабатларни тартибга солмайди. Масалан, ер маъмурий-ҳудудий бошқарув муносабатларида объект бўлаётган бўлсада, бунда у давлат хокимиятининг таъсир доираси сифатида қаралиб, бу соҳадаги муносабатлар давлат ёки маъмурий хуқуқ билан тартибга солинади. Демак, ер хуқуқининг предмети деб, ер хуқуқи вазифаларига жавоб берадиган, бевосита ерга нисбатан мулкчилик, ундан фойдаланиш, ва муҳофаза қилиш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга (ер муносабатларига) айтилади.

Ер хуқуқи юридик фан тармоғи ва ўқув предмети сифатида:
умумий;
алохидა;
максус қисмдан иборат бўлади.

Максус қисмда чет давлатлар ер хуқуқи тўғрисида маълумот берилиши мумкин.

Ер хуқуқининг қўйидаги **усуллари** мавжуд:

- императив;**
- диспозитив.**

Ер хуқуқининг **императив** усули ер муносабатлари субъектлари доирасини ва ер муносабатларида амалга ошириш мумкин бўлмаган харакатларни (такиқ) белгилайди. Ушбу усулни характерли жихати шундаки, у ер муносабатларини тартибга солишда томонларни юридик тенглигини рад этади, хокимият ва бўйсуниш муносабатларини кўзда тутади. Масалан, ер участкасидан мақсадли фойдаланиш қоидалари бузилса (ЕК 36-м) ер участкасига бўлган хуқук бекор қилинади.

Ер хуқуқининг **диспозитив** усулини қўйидагича турларга бўлиш мумкин:

- тавсия этувчи усул;**
- руҳсат берувчи;**
- делегируюший усул. (йўналтирувчи)**

Ер ҳуқуқининг предмети деб, ер ҳуқуқи вазифаларига жавоб берадиган, бевосита ерга нисбатан мўлкчилик, ундан фойдаланиш, ва муҳофаза қилиш борасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга (ер муносабатларига) айтилади.

Ер ҳуқуқи юридик фан тармоғи ва ўқув предмети сифатида қўйидаги қисмлардан иборат:

- умумий;
- алоҳида;
- маҳсус.

Ер ҳуқуқининг қўйидаги **усуллари** мавжуд:

- императив;
- диспозитив.